

## ТАСАВВУФ ТАРИҚАТИ ВА СЎФИЙЛИК ТАЛҚИНИ

Арифбоев Шерзод

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

Хаттотлик ва миниатюра мутахассислиги 2 босқич магистранти

**Аннотация:** Мазкур мақола ислом дини йўналишиларидан бири бўлган тасаввуф тариқатига бағишиланган бўлиб, унда тасаввуф сўзи маъноси, гояси, тасаввуф таълимоти пешволари, сўфиylар ҳақида батафсил маълумотлар келтириб ўтилади. Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида тарихда яшаб ўтган файласуф, шоир ва паҳлавон, тасаввуф таълимотининг пешволаридан бири ҳисобланган Паҳлавон Маҳмуд ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** тариқат, таълимот, шариат, тасаввуф, сўфий, жавонмардлик, мистик, нақшбандия.

**Аннотация:** Данная статья посвящена суфизму, как одному из направлений исламской религии, в ней подробно изложены значение и смысл слова суфизм, лидеры суфизма, суфии. Имеются также сведения о жившем в истории Узбекистана философе, поэте и пехлеви Пахлавоне Махмуде, который считается одним из лидеров суфизма.

**Ключевые слова:** secta, учение, шариат, суфизм, суфий, юность, мистик, нақшбандийя.

**Annotation:** This article is dedicated to Sufism, which is one of the directions of the Islamic religion. In it, the meaning and idea of the word Sufism, the leaders of Sufism, and the Sufis are given in detail. There is also information about Pahlavon Mahmud, a philosopher, poet and Pahlavi who lived in the history of Uzbekistan, who is considered one of the leaders of Sufism.

**Keywords:** sect, teaching, shari'a, Sufism, Sufi, youthfulness, mystic, Naqshbandiyyah.

Исломда йирик диний-мистик (сирли) фалсафий оқимлардан бири тасаввуф таълимотидир. Тасаввуф ислом дини доирасида ахлоқий-маънавий хусусиятларни Аллоҳ таолога боғлаб, унга эътиқод қилиб, умид боғлаш, унга содик бўлиш, сабр-тоқат, шукроналик ва қаноат, ақл-идрок билан иш кўришни кўзда тутади. Бошқача айтганда, тасаввуф таълимотининг мазмунида одамларни ҳалолликка, покликка, тинчликка, инсон қадрини ерга урмасликка чорлаб, ҳар ким ўзининг ҳалол меҳнати билан ижтимоий адолат қоидаларига риоя қилишни тарғиб этувчи ғоядир. Унда ҳаётий муаммолар билан боғлиқ бўлган илоҳий ҳақиқатга етишиши босқичма-босқич ва аста-секинлик билан яқинлашиб боради, деб ҳисобланади. Бошқача айтганда, “Тасаввуф” шахснинг комил инсон даражасига етишиши натижасида Аллоҳ васлиги мушарраф бўлиши орқали Робби билан яқинлашиб кетиши ҳақидаги таълимотдир. Инсоннинг комилликка етишиши учун энг аввало, кишининг дилига, кўнглига таяниб, қалбни тарбиялашга интилади.

Комил инсон бўлиши учун нафс эҳтиёжидан воз кечишни, нафс ҳамма гуноҳ ва бало-қазоларга олиб борувчи, кишини тубанликка етакловчи ҳодиса деб тушунилади. Инсон ўз нафсининг қули бўлишидан очқўзлик, хасислик ва таъмагирлик каби салбий иллатлар келиб чиқади дея ҳисобланган. Бунинг учун инсонни қаноат билан нафсини жиловлаб, ҳалол яшашга чақиради. Демак, тасаввуфлик илми умуман, инсон ҳақидаги илм бўлиб, киши қалбига маънавий сайқал берувчи илмлардан ҳисобланади.

Тасаввуф сўфийлик тушунчасини ҳам ўз ичига олади. Сўфи сўзи- соғ бўлмоқ маъносида бўлиб, сўфийлар Қуръони Карим сураси ва оятлари ҳамда Муҳаммад Пайғамбар (С.А.В) суннатларига қатъий амал қилиш орқали ўзини пок, тоат ибодат билан кечалари нафл номозлари ўқиб бедор ўтказувчи, фақат илоҳий рухга қўшилишини мақсад қилиб, Аллоҳ дийдорига эришиш йўлида дарвешлик, фақирлик асосида ҳар қандай нафсдан воз кечиб, Аллоҳга интилишга

эҳтиёж сезадиган кишилар бўлган. Сўфийликда руҳий камолотга етишиш учун 4 асосий босқичдан иборат йўлни босиб ўтиш керак:

1. Шариат деб аталади. Бунга кўра, тасаввуф аҳли, аввало, шариатнинг барча талабларига бўйсуниши керак. Шундан кейингина навбатдаги босқичга кўтарилиши мумкин.
2. Тариқат. Бундан муридолар ўз пирларига итоат этиши, ўз шахсий истакларидан воз кечиши шарт ҳисобланган.
3. Маърифат босқичига кўтарилган сўфийлар коинотнинг бирлиги – худода мужассам бўлиши, яхшилик ва ёмонликнинг нисбийлигини ақл билан эмас, қалб билан англашлари керак, деб талқин этган.
4. Сўфийнинг шахс сифатида тугаши – худога етишиши, унга сингиб кетишиш ва натижада абадийликка эришишдир<sup>19</sup>.

Тасаввуф ушбу босқичларни босиб ўтилгандагина комиликка эришиш мумкинлигини кўрсатувчи тўғри йўлдир.

“Тасаввуф” – сўзи суфийлик, тариқат ёки тариқатчилик атамалари билан маънодош бўлиб, унинг келиб чиқишида бир қанча қарашлар мавжуд:

1. Бу сўз биринчидан “Сўф” сўзидан келиб чиқкан дейдилар. Чунки сўфий илоҳ йўлига кирганлардир.
2. Баъзи олимлар “Суффа” – сўзидан олинган бўлиб, Пайғамбаримиз (соллалоҳу алайҳи васаллам) даврларида тарки дунё қилган тақводорлар бўлиб, суфийлар шуларга тақлид қиласи деганлар.
3. Яна баъзилар сўфий сўзи “Сафо” – сўзидан келиб чиқкан бўлиб сафо – қалби тоза инсонлар, қалби офтобдай порлаб туради деганлар.
4. Яна сўфий “суф” – сўзидан олинган, яъни юнг матоҳ кийувчилар деганлар. Чунки, сўфийлар кўп ҳолларда жун матодан тикилган кийим кийишган.

<sup>19</sup> Ислом энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент 2004.

Сўфийлар турли даврларда араб мамлакатлари, яқин ва Ўрта Шарқ, Ўрта Осиё, шимолий Хиндистон, Индонезия, шимоли-ғарбий Хитойга тарқалган. X-XI асрлардан айрим пирлар номи билан аталадиган тасаввуф йўллари ва уларга тегишли хонақоҳлар вужудга келган. Мовароуннахрда, хусусан, Ўзбекистон худудида сўфийлик IX асрнинг иккинчи ярми, XII асрнинг бошларида, феодалнинг ўзаро урушлари кучайган бир даврда кенг тарқалди. Мовароуннахрда сўфийлик оқими Юсуф Ҳамадоний (XII аср) тариқатидан бошланган<sup>20</sup>. Кейинчалик Осиёда тасаввуф тариқати йўлларини ишлаб чиқкан таълимотларга Аҳмад Яссавийнинг “Яссавия”, Баҳоуддин Нақшбандийнинг “Нақшбандия”, Нажмиддин Кубронинг “Кубравия” йўналишлари киради. Бундан ташқари XIV асрларда Нақшбандия тариқатини янада бойитиб, мазмунан янги босқичга қўтарган Ҳожа Аҳороп Валий қараашларидан иборат сўфийлик тариқати ҳам мавжуд бўлган. Бу тариқатлар бир-биридан инсоннинг юксак маънавий камолотга эришишдаги ахлоқий тамойиллар, талаблар ва усуллари билан ўзаро фарқ қиласди.

Улуғ бобомиз Аҳмад Яссавий асос соглан “Яссавия” тариқатида Аллоҳ васлига эришиш йўлида нафс-эҳтиросларидан воз кечиб, “Тарқидунёчилик” тарғиб қилинади. “Нақшбандия” тариқати мазмунида инсон ҳалол меҳнати ва ҳунар билан ноз-неъматларни ишлаб чиқаришга, мавжуд ҳокимият билан ҳамкорлик қилиш ҳамда инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, дўстлик ва тинчликка даъват этади. Ҳар бир инсонни “Қўли меҳнатда, қалби Аллоҳ зикрида” бўлишга ундейдиган “Дил ба ёру даст бакор” номли машхур шиори билан инсонни маънавийлик йўли сари етаклайди. Умумлаштириб айтганда, Нақшбандийлик мазмунида маърифий, ҳалқпарварлик, адолат, камтарлик, меҳнаткашлик, ватанпарварлик, яратувчилик ғоялари билан сугорилган дейиш мумкин.

<sup>20</sup> Б.Ҳакимова “Сўфийлар” мавзусидаги мақоласи “Тасвирий санъатда афсона ва ривоятлар” талабаларнинг илмий-экспериментал тақдимот анҷумани тўплами. Тошкент. 2014. Б-12-13.

Лекин шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, Марказий Осиёдаги сўфийлик, айримлар тушунганидек, фақат мистикага ўралиб қолган таълимот эмас, балки исломда тасаввуф шаклида ҳал қилинувчи, мўғуллар босқинидан озод қилишда ҳалқни бирлаштирувчи ғоя ролини ҳам бажарган.

Шундай қилиб, исломнинг тасаввуф йўналишидаги таълимоти мазмун-моҳиятида маънавий етук, комил инсон – нафс эҳтиёжларига тобе бўлмаган, ақлни устун қўйувчи, файзу кароматга бой, эзгуликка интилевчи, раҳмдил, ҳамда инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, дўстлик ва тинчликка даъват этади. Ҳар бир инсонни “Кўли меҳнатда, қалби Аллоҳ зикрида” бўлишга ундайдиган “Дил ба ёру даст бакор” номли машҳур шиори билан инсонни маънавийлик йўли сари етаклайди. Умумлаштириб айтганда, Нақшбандийлик мазмунида маърифий, ҳалқпарварлик, адолат, камтарлик, меҳнаткашлик, ватанпарварлик, яратувчилик ғоялари билан сугорилган дейиш мумкин.

Тарихда тасаввуф йўлинин танлаб, умр гузаронлик қилганлар жуда кўпчиликни ташкил қиласди, ана шундай инсонлардан бири Паҳлавон Маҳмуд, Пурёрвалийдир. Паҳлавон Маҳмуд шоир, енгилмас паҳлавон ва машҳур авлиёдир. У инсонларга бўлган меҳри, ғамхўрлиги, адолатпарвар ва сахийлиги билан тириклигига ёқ ўз обрўси ва хурматига эга шахслардан ҳисобланган. Эрон, Ҳинд каби кўплаб Шарқ мамлакатларидағи кураш мусобақаларида қатнашиб, ҳамиша зафар қучган, кураги ерга тегмай, мамлакатнинг биринчи полвони, паҳлавонлар пешвоси бўлган паҳлавон умри давомида бир маротабагина мағлубиятни бошдан кечиради. Тарихий кўлёзмаларда ёзилишича, ҳинд паҳлавони билан бўлаётган жанглардан бирида, агар, ҳинд жангчиси ғалаба қозонмаса, уни қатл этишлари ҳақида хабар топади ва яхшиликни тарғиб қилувчи Паҳлавон Маҳмуд жангда мағлубликни танлайди. Шу билан бирга форс ва туркий ҳалқлар адабиётида Умар Ҳайёмдан сўнг фақат рубоий ёзган шоир Паҳлавон Маҳмуддир. У Ҳайёмнинг оддий тақлидчиси бўлмай, мушоҳада кучи жиҳатидан у билан баробар турган.

*На чораки маломатдур ватаним,  
 Ишқ үлдириди, севги менинг кафаним.  
 Жаннат боғларида сен ўтир, зоҳид,  
 Мен – маст булбул, дўзах менинг чаманим.  
 Сўрагин, гўзалим, керак бўлса жон,  
 Жон эмас, сўрагин ҳаттоки имон.  
 Фақат яқинроқ кел, қилма интизор,  
 Сен ҳарна истасанг бергум бегумон.  
 Деди ёрим: “Яна нима ғаминг бор?  
 Хаёлинг банд этди қайси гўзал ёр?”  
 Қўлларига бериб ойна, дедимки:  
 Кимнинг аксин кўрсанг – шу менга дилдор.*

Паҳлавон Маҳмуд шахар хунарманд косибларининг футувватжавонмардлик ҳаракати (13–14-а. лар) ташкилотчиси, маънавий раҳнамоси бўлган. “Жавонмардлик – доимо бошқалар эҳтиёжини адо этиш ва қондириш йўлида интилишдир. Чунки ҳазрат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларки: “Модомики, бир банда ўз биродарининг ҳожатини раво айлар экан, Аллоҳ ҳам ундан ёрдамини узмайди” (Зайд ибн Собит розияллоҳу анхудан ривоят қилинган, Табароний ривояти). Юқорида айтиб ўтилганидек, бу даврда жавонмардлик ташкилоти мавжуд бўлиб, ушбу гурӯҳ аъзолари саховатпеша кишилар ҳамда уларнинг фаолияти асосан, ғариф ва камбағал кишиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб қувватлашдан иборат бўлган. Маълумки, жавонмардликка кўпроқ паҳлавонлар талабгор бўлганлар. Шу жиҳатдан, Паҳлавон Маҳмуд паҳлавонларни тарбияловчи устозигина бўлиб қолмай, балки жавонмардлик одобини ўргатувчи пир ҳам эди. Жавонмардларнинг шиори дунёдаги ёвузликнинг барча кўринишларига қарши ҳамиша, ҳамма ерда эзгуликни ҳимоя қилиш, тарғиб этиш ва қўллаб-қувватлашдан иборат. Бу ғоялар Паҳлавон Маҳмуднинг кўпгина рубоййларида ўз аксини топган. Саховатпеша

курашчи Паҳлавон Маҳмуд ўз асарларида тасаввуф ғояларини тарғиб қилган. У рубоийларида илохий ва дунёвий қараашларни куйлаган. Қуръон ва ҳадислардан ўзининг шеърий мисралари орқали мисоллар келтирган. Унга кўра, Худо дийдори коинотдаги барча мавжудотларда намоён бўлади. Паҳлавон Маҳмуд моддий борлиқнинг мангалиги, инсон ва табиат, абадият, инсоний хислатлар, ёр васли ва унинг лаззати ҳақида фикр юритади. Паҳлавон “дин назарияси, фалсафа ва мантиққа доир бир неча рисолалар ёзган” бўлса-да, улар ҳозиргacha топилган эмас. Паҳлавон Маҳмуднинг васиятига кўра шогирдлари уни ўзининг пўстиндўзлик дўкони атрофига дафн этганлар. Кейинчалик у қабр устида мақбара тикланиб, авлиё пойига Кўнғирот уруғидан бўлган Хива хонлари кўмилган<sup>21</sup>. Бу мақбара нодир меъморчилик ёдгорлиги сифатида мана неча асрдирки, барчанинг диққатини ўзига тортиб келмоқда. Дунёнинг турли бурчакларидан келаётган сайёҳлар бу буюк инсоннинг қабрини зиёрат қиласидилар.

Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва ижодини ўрганиш, рубоийларини топиб, халққа етказища таниқли олим ва забардаст мутаржим Тўхтасин Жалоловнинг хизматлари катта. Шоир рубоийларини, шунингдек, Муинзода, Васфий, Улфат, Боқир, М.Абдулҳаким каби таржимонлар ҳам таржима қилганлар. Ё.Исхоқов, Ҳ.Ҳомидий, Н.Комилов, С.С.Бухорий, М.Ҳасаний, Й.Жумабоев каби олимлар бу буюк ватандошимиз адабий мероси ва таржимаи ҳолини маълум даражада тадқиқ этганлар.

Тасаввуф таълимотини халқимиз тарихига боғлиқлик жиҳати шундаки, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб, маънавий-маданий меросимизни ўрганиш ва уларни тиклаш учун давлатнинг устувор йўналиши сифатида катта эътибор қаратилмоқда. 2003 йил мутафаккир олим А.Фиждувоний таваллудининг 900 йиллиги, 2004 йил Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси Ҳожа Аҳрор таваллудининг 600 йиллиги бунга мисол бўла олади.

<sup>21</sup> <https://qomus.info/>

Тасаввуф илмига хос бўлган олимлар А.Яссавий, А.Фиждувоний, Н.Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, А.Навоий, Ҳожа Аҳрор Валий каби зотлардир. Бу каби мутафаккир аждодларимизнинг асарлари бир томондан инсон ўзини англашига шу орқали унинг камолотига, иккинчи томондан ислом динининг инсонпарвар тараққийпарвар мохиятини тушиниб олишига хизмат қилади.

Бугунги тариқатчиларнинг тасаввуфдаги ўрни ҳақида айтадиган бўлсак, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, адолат, ростгўйлик каби умуминсоний ахлоқ нормаларини ўзида мужассам қилган тасаввуф таълимоти – халқни ягона мақсад атрофида бирлаштириб, турли табақалар ўртасида дўстлик, биродарлик, риштасини боғлашга хизмат қилади. Лекин тасаввуф, сўфийлик – ўз мохиятига кўра инсонни ижтимоий ҳаётга нисбатан бефарқликка, жамиятдан узоқлашишга, умуман олганда инсонни таркидунё қилиб яшашга ундовчи йўлдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Б.Ҳакимова “Сўфийлар” мавзуусидаги мақоласи “Тасвирий санъатда афсона ва ривоятлар” талабаларнинг илмий-экспериментал тақдимот анжумани тўплами. Тошкент. 2014. Б-12-13.
2. “Ислом ва хозирги замон” ўқув қўлланма. Тошкент Давлат Шарқшунослик институти. “Тошкент ислом универститети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент- 2010й. 208 б.
3. “Фалсафа асослари” Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлиги. Ўзбекистон Фанлар Академияси Фалсафа ва хуқуқ институти. Тошкент. “Ўзбекистон” Нашриёт-Матбаа ижодий уйи. 2005й.
4. Ислом энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент 2004
5. [https://qomus.info//](https://qomus.info/)